

Коинот техникаси соҳасида янги ҳамкорлик ўқув фани

Лойиҳа “Темпус” дастури тарафидан молиялаштирилган



Education and Culture DG


Ахборот брошюраси

Яқин кунларда Абу Райхон Беруни номидаги Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультетида Берлин техника университети ва Бельгия олий техника мактаби (ДеНауер) ҳамкорликлари асосида яратилган илмий-таълим инфратузилмаси ўз фаолиятини бошлайди.

Ушбу ахборот брошюранинг асосий мақсади лойиҳанинг юқори технология натижаларини тақдим этиш ҳамда яратилган илмий-таълим инфратузилманинг фаолиятига талабалар ва илмий ҳодимларни жалб қилишдан иборат..

Замонавий ўқув лабораторияларининг фаолиятида иштирок этиш зарурий амалий тажриба ортиришга шу қаторда юқори технологияларни ишлатиш соҳасида малакани оширишга имконият беради. Қизиққан шахсларга қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- Йўлдошсозлик лабораторияси
- Лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари (CAD/CAM/CAE) компьютер синфи
- Кичик йўлдошлар назорати станцияси



www.ncr-tgai.eu

Консорциум иштирокчилари




RESEARCH AND EDUCATION

Коинот техникаси соҳасида янги ҳамкорлик ўқув фани


Йўлдошсозлик ўқув лабораторияси

Лаборатория Берлин техника университети Авиация ва Космонавтика Институтининг тўплаган тажрибаси асосида ташкил қилинган бўлиб у суъний йўлдошнинг алоқа модулини яратилиши билан боғлиқ ишларнинг тўла спектрини амалга оширишга имкон беради. Лаборатория жиҳозлари ўлчов асбоблар, осциллоскоп, қувват блоклар, турли ускуналар, кавшарлаш станциялари, юқоричастотали компонентлар ва бошқалардан иборат.

Барча техника йўналишларида таҳсил олаётган талабалар алоқа радио блокларини амалда яратиш асосларини ўрганишлари, микроконтроллерларни дастурлаш кўникмаларига эга бўлишлари ва радио орқали алоқа боғлаш ва ахборотни узатишда дастлабки билимларни ўзлаштиришлари мумкин.



Кичик йўлдошлар назорати станцияси



Талабалар ва илмий ҳодимлар ноёб имкониятларга эга бўлган ўқув станциясини таълим ва илмий мақсадларда ишлатишлари мумкин. Станция қуйидаги модуллардан иборат:

- ҚТ (қисқа тўлқин) ва УҚТ (ультра қисқа тўлқин) ишқибозларнинг радиотўлқиларида маълумотларни узатиш ва қабул этиш учун мўлжалланган аттенналар мажмуаси
- Азимут/Элевация бўйича созлаш учун мотор мажмуаси
- Радиостанция
- Бошқариш компьютер станцияси

Лойиҳа ва конструкторлик ишларининг Компьютерлаштирилган маркази

Автоматлаштирилган лойиҳа тизимлари (CAD/CAM/CAE) соҳасига тегишли барча талабларни инобатга олиб жиҳозланган ўқув синфи техника мутахассисликлари кесимида таҳсил олаётган талабалар учун кенг очик. Таълим консорциум



Ўқув режалари, амалий машғулотлар ва лойиҳа бўйича маълумотлар қуйидаги сайтда келтирилган

www.ncr-tgai.eu